

Эй Раббим, Сенинг исминг муборакдир

13:00 / 13.02.2020 2908

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам намозни бошласалар:

???????????? ?????????? ?????????????????? ???????????????

????????? ?????????????????? ?????????? ?????? ?????????? ??????????????

«Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдика ва табарокасмука ва таъала жаддука ва Лаа илаҳа ғойрук», дер эдилар.

Маъноси: *Эй Раббим, Сенга ҳамд айтиш билан Сени айбу нуқсонлардан поклайман. Сенинг исминг муборакдир. Азаматинг олийдир. Сендан бошқа илоҳ йўқдир.*

Бу ҳадисни «Сунан» соҳиблари ривоят қилишган ва заиф дейишган. Лекин Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳудан ривоят қилинган худди шу лафздаги ҳадисни саҳиҳ, деб айтишган.

Бизнинг Ҳанафий мазҳабида такбиру таҳримадан кейин, фотиҳадан олдин мана шу дуони ўқилади.

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан